

Кениялик мусулмонларга Ҳаж зиёрати бекор қилинди



11:00 / 23.06.2021 2011

Чет эллик мусулмонлар учун ўтган йилги ва бу йилги ҳаж зиёратининг бекор қилиниши Аллоҳнинг иродаси.

«Кения мусулмонлари олий кенгашига 2021 йилги мавсум учун халқаро зиёратчилар учун ҳаж сафари бекор қилинганлиги тўғрисида хабар келди», дейди Кения мусулмонлари олий кенгашининг миллий раиси Хасан Оле Наадо.

— Биз бу йил ҳам сабр қилган ҳолда мамлакатимиз аҳолиси билан Ҳаж сафарини бажармасликлари тўғрисида келишиб олдик. Ҳаж — бу Аллоҳнинг муқаддас ерга даъвати эканлигини таъкидлаб, Оле Наадо кениялик мусулмонлардан кўпроқ тавба қилишни илтимос қилиб, Аллоҳга

дуо қилишларини сўради.

«Коронавирусга қарши тўлиқ вакцинани синовдан ўтказилишини билиб, олдим. Келаси йили биз ҳаж зиёратига борамиз деб умид қилишим мумкин», дейди кениялик 48 ёшли тадбиркор Ражаб Рама.

Хуршид Маъруф тайёрлади